

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАЕВ ФРУНЗА АДОМБОЕВИЧ**

***n*-ҲОЛАТИДА ЎРИНБОСАРЛАРИ БЎЛГАН БЕНЗОЙ КИСЛОТА  
НАТРИЙЛИ ТУЗЛАРИНИНГ ХЛОРСИРКА КИСЛОТА ҲОСИЛАЛАРИ  
БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical  
sciences**

**Сапаев Фрунза Адомбоевич**

*n*-Ҳолатида ўринбосарлари бўлган бензой кислота натрийли тузларининг  
хлорсирка кислота ҳосилалари билан реакциялари.....4

**Сапаев Фрунза Адомбоевич**

Реакции натриевых солей бензойных кислот, содержащих заместителей в *n*-  
положении с производными хлоруксусной кислоты..... 21

**Sapaev Frunza Adomboyevich**

Reactions of sodium salts of benzoic acids containing substituents in the *p*-position  
with chloroacetic acid derivatives 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАЕВ ФРУНЗА АДОМБОВИЧ**

***n*-ҲОЛАТИДА ЎРИНБОСАРЛАРИ БЎЛГАН БЕНЗОЙ КИСЛОТА  
НАТРИЙЛИ ТУЗЛАРИНИНГ ХЛОРСИРКА КИСЛОТА ҲОСИЛАЛАРИ  
БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/K116 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тожимухамедов Хабибулла Сайфуллаевич**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Маҳсумов Абдулхамид Гофурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Матчанов Алимжон Давлетбоевич**  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «30» 12 2020 йил соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (123 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24,факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem@mail.ru). ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871)236-46-55; факс: (99871)246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил «19» 12 даги 17 рақамли реестр баённомаси).



*Х.Т. Шарипов*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

*Д.А. Гафурова*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибаси к.ф.д.

*А.К. Абдушукуров*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда янги юқори биологик фаолликга эга бўлган бирикмалар синтезини тизимли амалга ошириш, уларни кишлоқ хўжалигида зарарли ҳашоратлар ва бегона ўтларга, тиббиётда турли касалликларга қарши муваффақиятли қўллаш амалий аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада маҳаллий хомашёлар асосида янги, арзон маҳаллий препаратлар олиш ва уларнинг биологик хоссаларини аниқлаш, бундан ташқари антиоксидант ва антибактериаль хоссали бирикмалар олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда ароматик карбон кислоталар мураккаб эфирларининг синтезида янги усулларни ишлаб чиқиш, этерификация ва переэтерификация реакцияларига янги турдаги катализаторлар қўллаш билан бир қаторда уларни карбон кислота тузларидан олиш усулларини такомиллаштириш устида ҳам кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бу реакцияларда маҳсулот унумини ошириш мақсадида турли эритувчиларни қўллаш, шу билан бирга бундай реакцияларда катализаторлар сифатида кўпгина металлларнинг тузларидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Бундан ташқари турли эритувчиларни каталитик миқдорда қўллаш этерификация ва переэтерификация реакцияларида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда карбон кислота ва уларнинг мураккаб эфирларига бўлган талаб ошганлиги боис бу бирикмаларни синтез қилиш ва уларни амалиётга қўллаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва юқори натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида<sup>1</sup> “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, чиқиндиларни санитария жиҳатдан тозалаш ва утилизация қилиш” га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндилари таркибидаги карбон кислоталарнинг турли ҳосилаларини ажратиб олиш ва хоссаларини аниқлаш, олинган бирикмаларни қўшимча жараёнларсиз тозалаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ароматик карбон кислоталар, айниқса п-алмашинган бензой кислоталарнинг этерификация реакциялари узоқ йиллар давомида ўрганилиб келинаётган реакциялардан биридир. Бу реакция органик синтезнинг классик реакциялардан бири ҳисобланади. Алмашинган бензой кислоталар эфирларини синтез қилиш бўйича охириги йилларда дунё олимлари томонидан жуда кўплаб илмий мақолалар чоп қилинган, буларга Victor P. Fitzjarrald, Rongson Pongdee, Mariam Al-Azani, Mazen al-Sulaibi, Nuha al Soom, Yosef Al Jasem, Bernhard Bugenhagen, Bassam Al Hindawilar ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ишларни келтириш мумкин. Ароматик карбон кислоталар мураккаб эфирларининг синтезида реакция давомийлигини бир неча соатдан бир неча дақиқагача камайтириш ва этерификация реакциялари учун универсал катализаторлар ишлатилиш бўйича илмий мақолалар эълон қилинган. Бу ишлар бўйича Kavitha Kankanala, Vangala Ranga Reddy, Khagga Mukkanti, Sarbani Pal, Ghulam Mustafa, Islam Ullah Khan, Muhammad Ashraf, Iftikhar Afzal, Sohail Anjum Shahzad, Muhammad Shafiq каби олимларнинг ишларини келтириш мумкин.

Ўзбекистонлик олимлардан ЎзМУ органик кимё кафедраси олимлари профессор Қ.Н. Ахмедов раҳбарлигида алкилолфталимидларнинг турли карбон кислоталар билан этерификация реакцияларини олиб боришган ва доцент Ҳ.С.Тожимухамедовнинг ишларида карбон кислота тузларидан мураккаб эфирлар синтези бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилган. Х.М. Шоҳидоятлов ва унинг шогирдлари этерификация реакцияларида катализатор сифатида гетероҳалқали бирикмаларни қўллаб юқори натижаларга эришишган, проф. А.Г.Махсумов шогирдлари билан ацетилен қатори тўйинмаган мураккаб эфирларининг синтези устида илмий ишлар олиб борган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларини режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-7-50 рақамли «Фенолларни аллил спирти эфирлари билан аллиллаш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бензой ва п-алмашган бензой кислоталар натрийли тузларининг хлорсирка кислота эфирлари ва амиди билан

реакциялари ҳамда олинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва тузилишини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бензой кислотаси, *n*-амино, *n*- нитро, *n*-бром бензой кислоталарининг натрийли тузларини, хлорсирка кислотаси алкил эфирлари ва хлорацетамид билан реакцияларининг боришига реагентлар тузилишининг таъсирини аниқлаш;

*p*-алмашган бензой кислоталари натрийли тузларининг нуклеофиль алмашаниш реакцияларига киришиш қобилиятини солиштириш;

хлорсирка кислота эфирларининг реакция фаолликларини солиштириш;

реакцияларнинг натижаларини таққослаш, реакцияларнинг оптимал шароитларини таклиф этиш, реакциянинг боришига ва маҳсулот унумига турли хил омиллар таъсирини аниқлаш;

реакция натижасида олинган янги бирикмаларнинг тузилишини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *p*-ҳолатида турли ўринбосарлар тутган бензой кислоталар натрийли тузлари, ароматик ва алифатик спиртлар, алкилгалогенидлар, хлорсирка кислотасининг эфирлари ва амиди танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** *n*-алмашинган бензой кислоталарининг натрийли тузлари ва хлорсирка кислота эфирлари ҳамда амиди орасидаги нуклеофиль алмашаниш реакцияларидаги эритувчилар, реакция шароитлари, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтезнинг фундаментал ва амалий усуллари, юпқа қатлам, хроматографияси, ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили каби замонавий усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор бензой, *p*-амино-, *p*-бром- ва *p*-нитробензой кислоталар натрийли тузларининг хлорсирка кислотаси эфирлари билан реакциялари амалга оширилган ҳамда жараённинг боришига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

илк бор бензой, *p*-амино-, *p*-бром- ва *p*-нитробензой кислоталар натрийли тузларининг хлорсирка кислотасининг амиди билан реакцияси натижасида таркибида мураккаб эфир ва амид гуруҳи тутган бирикмалар ҳосил бўлиши аниқланган;

бензой, *p*-амино-, *p*-бром ва *p*-нитробензой кислоталар натрийли тузларининг хлорсирка кислоталари ҳосилалари билан реакцияга киришишининг бир-биридан фарқ қилиши аниқланган;

хлорсирка кислотасининг эфирлари ва амидининг реакция қобилиятлари солиштирилган ва уларнинг реакцияга киришиш қобилияти бўйича кетма кетлик аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бензой ва п-алмашган бензой кислоталари натрийли тузларининг хлорсирка кислота эфирлари билан реакцияси натижасида карббутоксиметил-4-аминобензоат, карбизобутоксиметил-4-аминобензоат, карбпропилоксиметил-4-аминобензоат, карбизопропилоксиметил-4-аминобензоат, карбизоамилоксиметил-4-аминобензоат, карббензилоксиметил-4-аминобензоат, карббутоксиметил-бензоат, карббутоксиметил-4-бромбензоатлар синтез қилишнинг самарали усуллари яратилган;

бензой ва п-алмашган бензой кислоталари натрийли тузларининг хлорацетамид билан реакциясида карбаминометил-бензоат, карбаминометил-4-аминобензоат, карбаминометил-4-нитробензоат, карбаминометил-4-бромбензоатларнинг олиш усуллари ишлаб чиқилган;

натрий п-нитробензоат асосида таркибида иккита карбоксил гуруҳи тутган бирикмаларнинг синтез усули ишлаб чиқилган:

олиб борилган тадқиқотлар натижасида микроб ва бактерияларга қарши самарали фаолликга эга бўлган моддалар борлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** турли усул билан олинган моддалар тузилишининг замонавий текшириш усуллари -ИҚ-, ПМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили ёрдамида исботланганлигидир.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бензой ва п-халатида турли ўринбосарлар тутган бензой кислота тузларининг хлорсирка кислотаси эфирлари билан реакцияларининг қонуниятларини ўрганиш ва молекуласида кислород атомлари сони юқори бўлган бирикмаларни синтез қилишнинг янги усуллари таклиф этиш, бензой ва алмашган бензой кислоталар тузларининг ҳамда хлорсирка кислотаси эфирларининг реакцион қобилиятини таққослаш, олинган бирикмаларнинг тузилиши ва тозалигини спектроскопик ва хроматографик усуллар билан аниқлаш орқали ҳамда реакцияларнинг механизмини келтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карбон кислоталар тузларининг ацетон, диоксан, диметилсульфоксид, диметилформаид эритувчилари иштирокида хлорсирка кислотаси эфирлари ҳамда амиди билан реакцияларидан турли эфирларнинг олинганлиги, ушбу бирикмалар орасида хлорсирка кислотаси амидлари иштирокида олинган бирикмаларнинг янгилиги ва уларнинг рентген тузилиш анализи орқали исботланганлиги, олинган баъзи бирикмаларни турли микроорганизмларга қарши қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли функционал гуруҳлар тутган ароматик карбон кислоталар эфирларининг синтези жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

олинган янги бирикмалардан 2-амино-2-оксиэтил 4-бромбензоат, 2-амино-2-оксиэтил 4-нитробензоат ва 2-амино-2-оксиэтил 4-аминобензоатларнинг рентген тузилиш таҳлил натижалари Кембриж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (Crystallography Open Database, <https://www.crystallography.net>, CCDC 2041177, 2041176, 2041175).



Натижада, базага киритилган янги ўхшаш моддаларни синтез қилишда фойдаланиш имконини берган;

п-аминобензой кислотасининг натрийли тузи асосида синтез қилинган 2-бутокси-2-оксиэтил-4-аминобензоат ва 2-бензилокси-2-оксиэтил-4-аминобензоатлар “Муборак газни қайта ишлаш заводи”да металл конструкция ва қурилмаларда коррозия жараёнига қарши ингибитор сифатида жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи”нинг 2020 йил 30 июндаги 821/GK-06-сон маълумотномаси). Натижада, металл коррозиясини келтириб чиқарувчи бактерияларнинг ривожланишини камайтиришда фойдаланиладиган ингибиторлар ишлаб чиқариш имконини берган;

алмашинган ароматик карбон кислоталар мураккаб эфирларининг синтез усулларидан ФЗ-2017102476 рақамли “Изомер аминофенолларнинг хлорацетиллаш реакцияларини ўрганиш ва хлорацетил маҳсулотлар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш” мавзусидаги лойиҳада алмашинган бензой кислоталар ва алмашинган сирка кислота ҳосилаларининг мураккаб эфирлари синтези жараёнида фойдаланилган ( Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 29 июндаги 89-03-8319-сон маълумотномаси). Натижада, граммусбат ва грамманфий бактерияларга қарши юқори бактерицидлик хоссага эга бўлган мураккаб эфирларни олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола чоп этилган, шулардан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Карбон кислоталарнинг тузлари асосида уларнинг мураккаб эфирларини олиш ва алмашинган бензой кислота эфирларининг олиниши ва қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида

п-ҳолатида турли ўринбосарлари бўлган бензой кислота эфирларини кислота тузлари ёрдамида синтез қилишга бағишланган сўнгги йилларда чоп этилган адабиёт маълумотларининг таҳлили келтирилган.

Бу борада п-ҳолатида турли ўринбосарлари бўлган ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирларини синтез қилиш бўйича охириги йилларда ва ҳозирги кунда жуда кўплаб илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шулардан кўпчилиги мураккаб эфирлар синтезининг янги ва самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган. Адабиётларда ароматик ҳалқада турли функционал гуруҳлар тутган бензой кислоталар мураккаб эфирларининг синтези, олинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўлланилиши бўйича маълумотлар келтирилган.



Ароматик карбон кислоталар эфирларидан п-аминобензой кислота эфирлари тиббиётда қўлланилган. Бу эфирлар асосан шамоллашга қарши ва оғриқ қолдирувчи препаратлар тайёрлашда ишлатилган.

Диссертациянинг **“п-Ҳолатида ўринбосарлар тутган бензой кислоталар натрийли тузларининг хлорсирка кислотаси эфирлари билан реакцияси”** деб номланган иккинчи бобида бензой, п-нитро-, п-амино-, п-бромбензой кислотаси натрийли тузларининг хлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан реакцияларига бағишланган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тажрибалар учун керак бўлган хлорсирка кислотаси эфирлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида синтез қилиб олинган. Синтез қилинган эфирларнинг тозаллиги ЮҚХ усули ёрдамида аниқланган. Хлорсирка кислотаси эфирларининг *n*-аминобензой кислота натрийли тузи билан реакциялари турли эритувчилар-ацетон, ДМСО, ДМФА, диоксан иштирокида ва турли вақт оралиғида олиб борилган. Келтирилган эритувчилардан диоксан ва ацетонда туз деярли эримаяган, диметилсульфоксидда туз эриган бўлсада реакцияни 2 соатдан кўпроқ вақт давомида олиб борилганда реакция аралашманинг қорайиб кетиши кузатилган, ДМФА иштирокидаги тажрибаларда эса бошқа эритувчилардан фарқли равишда, реакциянинг бошланишидан карбон кислота тузининг эриши ва реакция аралашмада ош тузининг ҳосил бўлиши кузатилган.

Тажрибалар натижасида п-аминобензой кислотаси натрийли тузининг хлорсирка кислота эфирлари билан реакцияларини амалга ошириш учун ДМФА мақбул эритувчи эканлиги, реакцияни реагентларнинг моль нисбатлари 1:1.2 бўлган ҳолатда 70<sup>0</sup>С ва 155<sup>0</sup>С ҳароратда юқори унумлар билан ҳосил бўлиши кузатилди. Реакция унумлари орасидаги фарқ катта бўлмаганлиги сабабли реакция давомийлигига асосланиб оптимал шароит сифатида ҳароратнинг 155<sup>0</sup>С ва реакция давомийлигининг 5 соат бўлиши кўрсатилган. Шунга асосланиб қолган барча реакциялар шу шароитда олиб борилган.

Реакция тенгламаси:



Тажрибалар натижасида хлорсирка кислота эфирларининг реакцион қобилияти деярли бир хил эканлиги аниқланган, ушбу ҳолатни алмашилиш реакцияси хлор атоми ҳисобига бораётганлиги учун мураккаб эфир гуруҳидаги алкил гуруҳларнинг индукцион таъсири фарқининг камлиги билан изоҳланган. Тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

### 1- жадвал

#### Натрий п-аминобензоатнинг монохлорсирка кислота эфирлари билан ДМФА эритмасидаги реакцияси унумига вақтнинг таъсири ва олинган маҳсулотларнинг физик константалари

Реагентларнинг моль нисбатлари: натрий п-аминобензоат: монохлорсирка кислотаси эфири :ДМФА	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %					
		Карбубутоксиметил-4-аминобензоат	Карбизобутилокси-метил-4-аминобензоат	Карбпропилоксиметил-4-аминобензоат	Карбизопропилоксиметил-4-аминобензоат	Карбизоамилоксиметил-4-аминобензоат	Карббензилоксиметил-4-аминобензоат
1:1,2:5	1	43	40	45	42	38	37
1:1,2:5	2	48	45	52	48	45	45
1:1,2:5	3	58	53	58	59	52	51
1:1,2:5	4	68	62	67	65	60	62
1:1,2:5	5	73	70	75	71	68	67
1:1,2:5	6	73	71	77	72	69	68
T <sub>суюқланиш</sub> , °C		54-56	49-51	41-43	34-36	78-81	84-86
R <sub>f</sub> (хлороформ:бензол: метанол 5:1,5:1)		0.61	0.60	0.69	0.65	0.58	0.56


Олинган бирикмаларнинг тузилишини ПМР- ва ИҚ- спектроскопик усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Уларнинг ИҚ- спектрида ютилиш максимумлари ва ПМР спектрида ўзига хос протон сигналлари кузатилди.

Ушбу бирикмаларнинг ИҚ спектрида бензол ҳақасидаги амина гуруҳнинг N-H боғлари валент тебранишлари  $\nu_{N-H}=3360-3460 \text{ см}^{-1}$  соҳада, бензол ҳалқаси C-H боғларининг  $\nu_{CH}=800-1050 \text{ см}^{-1}$ , ароматик ҳалқага бириккан карбонил

гуруҳининг валент тебранишлари  $\nu_{\text{Ar-C=O}} = 1710-1750 \text{ см}^{-1}$  хлорсирка кислота таркибидаги карбонил гуруҳининг тебранишлари  $\nu_{\text{-CH}_2\text{-C=O}} = 1215-1280 \text{ см}^{-1}$  соҳаларда кузатилди.

*Карбпропилоксиметил-4-аминобензоатнинг* ПМР- спектрида бензол ядросидаги 3,5 ва 2,6 углерод атомидаги протонлар тегишли соҳаларда 7.72 м.у. (2H, d.) ва 6.58 м.у. (2H, d.) сигналлар кўринишида намоён бўлди. Иккита карбонил гуруҳ орасидаги протонлар (CH<sub>2</sub>) 4.70 м.у. (2H, s) сигналларини берди. *Карббензилоксиметил-4-аминобензоатнинг* ПМР спектрида бензил радикали ароматик ядросидаги протонлар кучлироқ соҳада 7.28 м.у. (5H, m) сигналлар берди, *карбизоамилоксиметил-4-аминобензоатнинг* бензол ядросидаги 3,5 ва 2,6 протонлари кучсизроқ соҳада 7.80 (2H,d.) ва 7.76 м.у. (2H, d.) сигналлар бериши кузатилди.

Хлорацетамиднинг п-аминобензой кислотаси натрийли тузи билан реакцияси амалга оширилди. Реакция ДМФА эритувчисида олиб борилди. Хлорацетамиднинг реакция қобиляти хлорсирка кислота эфирларидан кескин фарқ қилмаслиги аниқланди. Қуйида бу реакциянинг тенгламаси келтирилган.




Олинган бирикма 149-151<sup>0</sup>С ҳароратда суюқланадиган сарғиш рангли кристал модда, модданинг тозалига ЮҚХ усули орқали УБ нурли асбобда текширилди,  $R_f = 0.53$  (хлороформ, бензол, метанол 5:1.5:1, УБ нур). Олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-, ПМР- спектроскопик усуллар ва рентген тузилиш анализлари ёрдамида тасдиқланди.

*Карбаминометил-4-аминобензоатнинг* ИҚ-спектр таҳлили  $\nu_{\text{Ar-NH}_2} = 3430 \text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{CH}} = 840 \text{ см}^{-1}$  (бензол ҳалқаси),  $\nu_{\text{-CH}_2\text{-CO}} = 1440 \text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{Ar-C=O}} = 1650-1700 \text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{CO-NH}_2} = 3210-3340 \text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{-CH}_2\text{-C=O}} = 1270-1310 \text{ см}^{-1}$

ПМР- спектр таҳлили [ 400 MHz, CD<sub>3</sub>OD,  $\delta$  ( p.p.m), J (Hz) ]: 4.61 (2H, s, -CH<sub>2</sub>), 6.58 ( 2H, dd, J= 8.75 Hz, J= 8.75 Hz 2,6-Ar), 7.75 ( 2H, dd, J= 8.75 Hz, J= 8.75 Hz 3,5-Ar).


*Карбаминометил 4-аминобензоатнинг* тузилиши рентген тузилиш анализи орқали ўрганилди ва тасдиқланди. Синтез қилинган янги бирикма учун қуйидаги тузилиш олинди.



**1-Расм. Карбаминометил 4-аминобензоатнинг кристаллдаги тузилиши**

Олиб борилган тажрибаларни давом эттирган ҳолда, бензой кислотаси натрийли тузининг хлорсирка кислотаси пропил-, изопропил-, бутил-, изобутил-, изоамил-, бензил эфирлари ҳамда хлорсирка кислотаси амиди билан реакциялари ўрганилди.

Монохлорсирка кислотаси биологик жиҳатдан фаол моддалар синтези учун қулай бирикма ҳисобланади. Унинг асосида олинган эфирларнинг биологик фаоллиги бошқа алифатик эфирларга нисбатан юқори бўлиши мумкин. Шу мақсадда монохлорсирка кислота, унинг эфирлари ёки амидлари асосида синтез қилинган бирикмалар амалий жиҳатдан аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу ишда биз хлорсирка кислотасининг юқорида келтирилган эфирларининг натрий бензоат билан реакцияларини ўргандик. Реакция тенгламаси:



Синтез қилинган бирикмалар оч сариқ рангли мойсимон каттик моддалар. Махсулот унумлари пара ҳолатида амино гуруҳ тутган маҳсулотларга нисбатан пастроқ бўлиши кузатилди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда умумлаштирилган.

**Натрий бензоатнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан ДМФА эритмасидаги реакцияси унумига вақтнинг таъсири**

Реагентларнинг моль нисбатлари:натрий-бензоат :эфир :ДМФА	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %					
		Карббутилокси метил-бензоат	Карбизобутилоксиметил-бензоат	Карббензилокси метил-бензоат	Карбизопропил-оксиметил-бензоат	Карбизоамилокси-метил-бензоат	Карбаминометил-бензоат
1:1.2:5	1	42	40	39	44	38	44
1:1.2:5	2	46	44	45	54	44	53
1:1.2:5	3	58	56	56	60	53	61
1:1.2:5	4	69	66	62	69	65	68
1:1.2:5	5	71	69	67	73	68	72
1:1.2:5	6	71	69	67	73	68	73
R <sub>f</sub> (хлороформ:бензол:метанол 5:1,5:1)		0.62	0.60	0.53	0.66	0.54	0.63

Олинган бирикмаларнинг тузилиши замонавий физик тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганилди.

Карббутоксиметилбензоат оч сарғиш рангли суюқлик, қайнаш ҳарорати 228<sup>0</sup>С.


Унинг ИҚ-спектрида 3065 см<sup>-1</sup>, 3031 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳаларида модда таркибидаги ароматик ҳалқадаги =C-H боғларига тегишли бўлган паст интенсивликдаги ютилиш чизиқларини кўриш мумкин. 2962 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида –CH<sub>3</sub> гуруҳига тегишли асимметрик валент тебранишларга тегишли, 2875 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида эса –CH<sub>2</sub> гуруҳига тегишли бўлган симметрик валент тебранишларни кўриш мумкин. 1760-1732 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида >C=O гуруҳига тегишли бўлган интенсив валент тебранишлар, 1614 см<sup>-1</sup>, 1587 см<sup>-1</sup>, 1486 см<sup>-1</sup>, 1385 см<sup>-1</sup> каби ютилиш соҳаларида эса ўртача интенсивликдаги ароматик ҳалқага тегишли бўлган ҳалқа тебранишини кузатиш мумкин. 1032 см<sup>-1</sup>, 1089 см<sup>-1</sup> соҳада эса –C(O)-O-CH<sub>2</sub>, (-C-O-C) боғига тегишли бўлган симметрик валент тебранишлари кузатилади.

Карббензилоксиметилбензоат сариқ кристалл модда. Олинган кристалл модда этил спиртида эритилди ва қайта кристалланди. Олинган кристалл модданинг суюқланиш температураси 45<sup>0</sup>С.

Унинг ИҚ-спектрида 3065 см<sup>-1</sup>, 3031 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳаларида модда таркибидаги ароматик ҳалқадаги =C-H боғларига тегишли бўлган ютилиш чизиқларининг олдинги эфирга нисбатан юқорилигини кўриш мумкин. 2875 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида эса –CH<sub>2</sub> гуруҳига тегишли бўлган симметрик валент тебранишларни кўриш мумкин. 1760-1732 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида >C=O

гуруҳига тегишли бўлган интенсив валент тебранишлар,  $1614\text{ см}^{-1}$ ,  $1587\text{ см}^{-1}$ ,  $1486\text{ см}^{-1}$ ,  $1385\text{ см}^{-1}$  каби ютилиш соҳаларида эса ўртача интенсивликдаги ароматик ҳалқага тегишли бўлган ҳалқа тебранишни кузатиш мумкин.  $1032\text{ см}^{-1}$ ,  $1089\text{ см}^{-1}$  соҳада эса  $-\text{C}(\text{O})-\text{O}-\text{CH}_2$ ,  $(-\text{C}-\text{O}-\text{C})$  боғига тегишли бўлган симметрик валент тебранишлари кузатилади.

Юқоридаги усул орқали натрий бензоатнинг хлорацетамид билан реакцияси олиб борилди. Реакция тенгламаси қуйидагича:




Олинган бирикма  $T_c=113-115^{\circ}\text{C}$  да суюқланадиган оқ рангли кристал модда. Олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-, ПМР- спектроскопик усуллар ва рентген тузилиш анализлари ёрдамида тасдиқланди.

Карбаминометил-бензоатнинг ИҚ-спектр таҳлили  $\nu_{\text{CH}}=712-860\text{ см}^{-1}$  (бензол ҳалқаси),  $\nu_{-\text{CH}_2-\text{CO}}=1430-1450\text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{Ar}-\text{C}=\text{O}}=1680-1720\text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{\text{NH}_2}=3200-3430\text{ см}^{-1}$ ,  $\nu_{-\text{CH}_2}=1270\text{ см}^{-1}$  гуруҳларга тегишли бўлган валент тебранишлар кузатилди.

ПМР таҳлили [400 MHz,  $\text{CD}_3\text{OD}$ ,  $\delta$ , ppm, J/Hz] 8.07 (2H, dt,  $J=1.27, 8.4$ , C-2',6'), 7.56 (1H, tt,  $J=1.32, 2.64, 6.88$ , C-3',5'), 7.43 (2H, t,  $J=8.11$ , C-4'), 4.716 (2H, s,  $\text{CH}_2$ ). Шу кўринишдаги сигналлар кузатилди.


Синтез қилинган бирикманинг монокристаллари ўстирилди ва тузилиши рентген тузилиш анализи ёрдамида ўрганилди.



## 2-Расм. Карбаминометилбензоатнинг кристаллдаги тузилиши

Худди шу тажрибалар *p*-нитробензой кислотасининг натрийли тузи иштирокида олиб борилганда унум бензой кислотасидагига нисбатан пастроқ бўлди. Синтез қилинган брикмалар осон суюқланувчи сарғиш рангли кристал моддалар бўлиб, спиртда қайта кристаллаб тозаланди. Олинган брикмаларнинг тозалик даражаси юпқа қатлам хроматографик усули ёрдамида аниқланди. Синтез қилинган бирикмаларнинг маълумотлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Реакция тенгламаси:



R = -O<sub>i</sub>C<sub>3</sub>H<sub>7</sub>, -OC<sub>4</sub>H<sub>9</sub>, -O iC<sub>4</sub>H<sub>9</sub>, -O iC<sub>5</sub>H<sub>11</sub>, -OCH<sub>2</sub>C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>, -NH<sub>2</sub>

3-жадвал

**Натрий п-нитробензоатнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан реакцияси маҳсулот унумига вақтнинг таъсири**

Реагентларнинг моль нисбатлари: натрий п-нитробензоат : монохлорсирка кислотаси эфири :ДМФА	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %					
		Карбубутоксиметил-4-нитробензоат	Карбизобутилоксиметил-4-нитробензоат	Карбензилоксиметил-4-нитробензоат	Карбизопропилоксиметил-4-нитробензоат	Карбизоамилоксиметил-4-нитробензоат	Карбаминометил-4-нитробензоат
1:1,2:5	1	40	38	37	42	36	42
1:1,2:5	2	44	42	43	52	42	51
1:1,2:5	3	56	54	54	58	51	59
1:1,2:5	4	67	64	60	67	63	66
1:1,2:5	5	69	67	65	71	66	70
1:1,2:5	6	69	67	65	71	66	71
R <sub>f</sub> (хлороформ:бензол: метанол 5:1,5:1)		0.61	0.59	0.52	0.65	0.53	0.62

Олинган бирикмаларнинг тузилишини тасдиқлаш учун ИҚ- ва ПМР-спектроскопия усулларида фойдаланилди.


Ушбу бирикмаларнинг ИҚ-спектрида бензол ҳақасидаги амино гуруҳнинг N-O боғининг валент тебранишлари  $\nu_{N-O}=1602 \text{ см}^{-1}$  соҳада, 1,4 диалмашган бензол ҳалқаси C-H боғларининг  $\nu_{CH}=800-870 \text{ см}^{-1}$ , ароматик ҳалқага бириккан карбонил гуруҳининг валент тебранишлари  $\nu_{Ar-C=O}=1660-1690 \text{ см}^{-1}$  хлорсирка кислота таркибидаги карбонил гуруҳининг тебранишлари  $\nu_{-CH_2-C=O}=1215-1280 \text{ см}^{-1}$  соҳаларда кузатилди.

Карбизобутилоксиметил-4-нитробензоат ПМР-спектрида п-ҳолатида амино гуруҳ тутган бирикмаларга нисбатан ароматик ядросидаги протонлар кучсизроқ соҳада сигнал бериши кузатилди. Буни нитро гуруҳнинг электроноаксептрлиги билан тушинтириш мумкин. Ароматик ҳалқадаги 3,5 ва 2,6 углерод атомидаги протонлар тегишли соҳаларда 8.26 м.у. (2H, d.) ва 8.21 м.у. (2H, d.) кўринишида сигналлар намоён бўлди. Иккита карбонил гуруҳ орасидаги протонлар (CH<sub>2</sub>) 4.78 м.у. да (2H, s) сигналлар берди.



Карбизопропилоксиметил-4-нитробензоат ПМР-спекрида изопротил радикалидаги иккиламчи углерод атомида жойлашган водород 1.90 м.у. сохада (1H, m, -CH), кўринишида, иккита бирламчи углерод атомидаги протонлар тегишли сохаларда 0,87 (3H, d, -CH<sub>3</sub>), 0,94 (3H, d, , -CH<sub>3</sub>) сигналлар сифатида кузатилди.



Шунингдек синтез қилинган карбаминометил 4-нитробензоатнинг монокристали ўстирилди ва рентген тузилиш анализи ёрдамида тасдиқлади.



3-Расм. Карбаминометил-4-нитробензоатнинг кристаллдаги тузилиши

п-Бромбензой кислота натрийли тузининг хлорсирка кислотаси ҳосилалари билан реакциялари ҳам юқорида келтирилган усуллар ёрдамида олиб борилди.

п-Бромбензой кислотаси натрийли тузининг хлорсирка кислотасининг эфирлари билан реакцияга киришиш қобилияти п-нитробензой кислотаси натрийли тузининг реакциясидан фарқ қилиши маҳсулотларнинг ҳосил бўлиш унумларида яққол кўринди. Буни бензол ядросига бириккан бром атомининг ҳалқага кўрсатадиган манфий индукцион ва бром атоми таркибидаги тақсимланмаган электрон жуфтларининг ароматик ядрога кўрсатадиган мусбат мезомер таъсири орқали тушунтириш мумкин. Реакция тенгламаси:




Реакция жарфёнидан олинган натижалар куйидаги 4-жадвалда келтирилган.

**Натрий п-бромбензоатнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан ДМФА эритмасидаги реакцияси унумига вақтнинг таъсири**

Реагентларнинг моль нисбатлари: натрий п-бромбензоат: эфир :ДМФА	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %					
		Карббутоксиметил-4-бромбензоат	Карбизобутоксиметил-4-бромбензоат	Карбензилноксиметил-4-бромбензоат	Карбизопропиноксиметил-4-бромбензоат	Карбизоамилноксиметил-4-бромбензоат	Карбаминометил-4-бромбензоат
1:1.2:5	1	40	38	37	42	36	42
1:1.2:5	2	44	42	43	52	42	51
1:1.2:5	3	56	54	54	58	51	59
1:1.2:5	4	67	64	60	67	63	66
1:1.2:5	5	70	68	67	72	66	68
1:1.2:5	6	71	69	68	73	68	72
R <sub>f</sub> (хлороформ:бензол: метанол 5:1,5:1 УБ нур)		0.59	0.56	0.50	0.61	0.51	0.62
T <sub>суюқланиш</sub>		49-51	45-46	73-74	43-45	70-72	137-139

Олинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ- ва ПМР- спектроскопия ва рентген тузилиш анализларидан фойдаланиб аниқланди.


*Карббутилоксиметил-4-бромбензоатнинг*



ПМР-спектрини таҳлили қилинганда 8,69 м.у. ароматик ҳалқадаги 3,5 ҳолатдаги, 7,91 м.у. ларда эса 2,6 углерод атомидаги протонлар дублет кўринишидаги сигналларни намоён қилди. 4,76 м.у. соҳада 8-углерод атомидаги протонлар синглет типидги максимумлар кузатилди. Алкил радикали таркибидаги протонлар кучли соҳаларда, жумладан 10-углерод атомидаги протонлар 4,09 м.у. соҳада триплет, 11-ва 12-углероддаги водород атомлари тегишли тартибда 1,53; 1,29 м.у. соҳада мултиплет, 13-углеродда жойлашган протонлар 0,82 м.у. соҳасида триплет кўринишидаги сигналларни берди. Таҳлилларга асосланган ҳолатда *Карббутилоксиметил-4-бромбензоатнинг* протонлари *карббутилоксиметил-4-аминобензоатнинг*

протонларига караганда ПМР спектрида кучсизроқ соҳага силжигани кузатилди.

Қуйидаги расмда карбаминометил-4-бромбензоатнинг кристаллдаги тузилиши келтирилган.



4-Расм. Карбаминометил-4-бромбензоатнинг кристаллдаги тузилиши

Диссертациянинг **“Карбалкилоксибензоатлар синтези”** деб номланган **учинчи бобда** тажрибавий қисм, тадқиқот усуллари, бензой ва п-алмашган бензой кислоталарининг хлорсирка кислотаси ҳосилалари билан карбалкилокси бензоатлар ҳосил бўлиш реакциялари келтирилган. ЮҚХ натижалари келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Бензой кислотаси, *n*-амино, *n*-нитро, *n*-бром бензой кислоталари натрийли тузларининг, хлорсирка кислотаси алкил эфирлари ва хлорацетамид билан реакциялари олиб борилди ва жараёнга эритувчи, вақт ва ҳароратнинг таъсири кўрсатилди.

2. *p*-Ҳолатида турли хил ўринбосарлар тутган бензой кислоталари натрийли тузларининг нуклеофил алмашиниш реакцияларига киришиш қобилияти ўринбосарларнинг ароматик ҳалқага кўрсатадиган индукцион ва мезомер таъсирига кўра қуйидагича тартибда ( $\text{NH}_2 > \text{Br} \geq \text{H} > \text{NO}_2$ ) камайиб бориши кўрсатилди.

3. Хлорсирка кислотаси эфирларининг *p*-алмашган бензой кислоталар натрийли тузлари билан реакцияга киришиш қобилияти бир-бирига яқин эканлиги хлорсирка кислотаси эфири алкил радикалининг тузилиши ва молекулага кўрсатадиган индукцион таъсирига боғлиқ эканлиги билан изоҳланди .

4. Синтез қилинган карббутоксиметил-4-аминобензоат ва карббензилокси-4-аминобензоатларни Муборак газни қайта ишлаш заводида (ТНБ қошидаги кимёвий таҳлил лабораториясида) металл конструкция ва қурилмаларда коррозия келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ингибиторлар сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

5. Синтез қилинган бирикмалардан 2-амино-2-оксиэтил 4-бромбензоат, 2-амино-2-оксиэтил 4-нитробензоат ва 2-амино-2-оксиэтил 4-аминобензоатларнинг тузилиши рентген тузилиш таҳлили ёрдамида тасдиқланди ва синтез қилиш усули таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.К.01.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО  
УЛУГБЕКА**

**САПАЕВ ФРУНЗА АДОМБОВИЧ**

**РЕАКЦИИ НАТРИЕВЫХ СОЛЕЙ БЕНЗОЙНЫХ КИСЛОТ  
СОДЕРЖАЩИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ В *n*-ПОЛОЖЕНИИ С  
ПРОИЗВОДНЫМИ ХЛОРУКСУСНОЙ КИСЛОТЫ**

**02.00.03 - Органическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/K116

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Тожимухамедов Хабибулла Сайфуллаевич  
Кандидат химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Махсумов Абдулхамид Гофурович  
Доктор химических наук, профессор

Матчанов Алимжон Давлетбоевич  
Доктор химических наук


**Ведущая организация:** Ташкентский фармацевтический институт


Защита диссертации состоится « 30 » 12 2020 года в « 16<sup>00</sup> » часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-53-21, 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru. Административное здание Национального университета Узбекистана).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 123 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан « 19 » декабрь 2020 года.  
(реестр протокол рассылки № 17 от 19 декабря 2020 года).



  
**Х.Т. Шарипов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

  
**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

  
**А. К. Абдушукуров**  
Председатель научного семинара при научном со-  
вете по присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире приобретает практическое значение систематическое осуществление синтеза новых соединений с высокой биологической активностью, успешное применение их против вредных насекомых и сорных трав в сельском хозяйстве, различных болезней в медицине. Особенно, в этом отношении важной задачей считается создание новых, дешёвых местных препаратов на основе местного сырья и определённой биологической активностью, кроме того получение соединений антиоксидантными и антибактериальными свойствами.

В мире наряду с разработкой новых способов в синтезе сложных эфиров ароматических карбоновых кислот, применением нового типа катализаторов в реакциях этерификации и переэтерификации ведутся многочисленные исследования также над совершенствованием способов получения их из солей карбоновых кислот. В этих реакциях с целью увеличения выхода продукта, наряду с применением различных растворителей, выяснено возможность использования солей многих металлов в качестве катализатора. Кроме этого, приобретает важное значение применение каталитического количества различных растворителей в реакциях этерификации и переэтерификации.

В связи с увеличением потребности на карбоновых кислот и их сложных эфирам в нашей стране принимаются комплексные меры по синтезу этих соединений и их применению на практике, и достигаются высокие результаты. В Стратегии действий по ускоренному развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на развитие высокотехнологических перерабатывающих отраслей, прежде всего производства готовых продуктов с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, санитарной очистки и утилизации отходов. В этом отношении важное значение приобретает выделение и определение свойств различных производных карбоновых кислот в составе отходов производственных предприятий, разработка способов очистки полученных соединений без дополнительных процессов.

